

**ЎҚУВ МУҲИТИ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ
КЛАСТЕРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ОМИЛЛАРИ**

Усаров Жаббор Эшбекович

п.ф.д. (DSc), доцент

jabborusarov68@gmail.com (+998909256800)

Қодирова Ферузахон Усмановна

п.ф.д. (DSc), доцент

feruzausmon@mail.ru (+998909702357)

Чирчиқ давлат университети, Педагогика факультети ўқитувчилари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7394234>

***Аннотация.** Ушбу мақолада таълим кластери муҳитида ўқувчиларнинг эҳтиёж ва имкониятларига ҳамда ўзлаштириш услубларига мос ҳолда ташкил этишининг педагогик, психологик, гигиеник, эргономик аспекти юзасидан тавсиялар баён этилган. Бундан ташқари амалиётга жорий этилган КАМТ (кластерли адаптив методик тизим) нинг комплекс имкониятлари, рецепторлик хусусиятлари очиб берилган.*

***Калим сўзлар:** ўқув муҳити, сифат, самарадорлик, талаб, эҳтиёж, тажриба-синов, Педагогик таълим инновацион кластери, методика, рецептор, рентабеллик, академик таъсир, майдон.*

Бугунги кунда таълим жараёнини ташкил этиш нафақат педагогик жамоасининг зиммасидаги масала ҳисобланади, балки таълимдан манфаатдор бўлган субъектлар: ота-она, маҳалла, таълим муассасалари, хусусий секторлар каби таълим хизматларидан фойдаланувчи барча ташкилоларнинг маълум маънодаги талабаларининг ижроси сифатида намоён бўлади. Педагогика соҳасида илмий-услубий ишларининг сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам имкониятлари кенгаймоқда. Услубий ишлар таълим жараёнини ташкил этиш методикасини, илмий иш эса, муайян муаммонинг маълум қиррасини тажриба-синов ишлари орқали ўрганишни, натижаларга асосланган ҳолда амалиётга аниқ асослар тақдим этиш учун хизмат қилади. Тажриба-синов ишлари аниқ белгиланган мақсад, режа, иш турлари ва усуллари орқали амалга оширилади. Таълим иштирокчи (бола, ўқувчи, талаба, тингловчи, буюртмачи, раҳбар ходимлар...)лари тажриба-синов ишларида, асосан қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Тадқиқотчи илгари сурган ғоя, тамойил, қоида ва бошқа категориал тушунчаларнинг моҳиятини тархийлик, замонавийлик нуқтаи назаридан реал муҳитда турли тизимли ҳаракатлар орқали очиб беришда иштирок этиш.

2. Маълум ёндашувлар-таъсирлар орқали замонавий шахс ривожига ўзгаришларга мос ҳатти-ҳаракатлар динамикасини ўзида хис қилган ҳолда намоён этиш.

3. Замонавий методлар, технологияларнинг ижобий ёки салбий имкониятларини синаб бериш.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқот айнан таълим жараёнида таълим олувчининг шу таълимдан кутаётган натижаларини самарадорлаштиришга хизмат қилади. Педагогиканинг умумий илмий концепцияси сифатида таълим-тарбияни мақбуллаштириш ҳамда жаҳон таълим контекстидаги нуфузини ошириш ҳисобланар экан, унда тадқиқотларнинг самарадорлиги таълим олувчи

ва берувчининг кулай ва манфаатдор ҳаракатлари моделларини амалиётга таклиф этиши билан баҳоланади.

Бугунги кунда педагогикадан олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида педагогларнинг илмий дунқараши кенгаймоқда, олий таълим муассасасининг илмий салоҳият даражаси ва жаҳон илмий ареналарига кириб бориш ҳаракатлари ортмоқда. Олий таълим мактабгача ва умумтаълим муассасаларига кадр тайёрлар экан, унинг натижадорлиги шу таълим тизимларидаги ижобий ўзгаришларга импульс бериши лозимлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактаб таълимига комплекс тайёрлаш масаласи тадқиқнинг марказий нуқтаси бўлса, мактабда ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириш натижаларини ошириш, тўғри касб танлаш ва унга мақсадли йўналтириш, ижтимоий-ҳаётий кўникмалар, соғлом турмуш тарзи, она тили ва қўшимча хорижий тил малака (ўқиш, ёзиш, тинглаш, гапириш) ларини ривожлантириш ва бошқа педагогик-психологик-ташқилий масалалар тадқиқот учун танланадиган мавзуларни ўзига жамлайди.

Ўқув-тарбиявий жараён самарадорлиги-рентабеллигини ошириш, глобал ахборот жамиятида илдамланган ўқитишни ва маълумот олиш учун тенг имкониятларни таъминлашнинг энг оптимал йўлларида бу - ўқув муҳитини ахборотлаштириш, қулайлаштириш ва жозибadorлаштиришдир. Бундан келиб чиқиб, таълим сифати оширишнинг имкониятларининг таълим олувчилар эҳтиёжларига йўналтирилганлиги ёки таълимнинг қайси босқичи ва айнан қандай тегишли компонентида бўшлиқ борлиги, уни зарарсиз манфаатлар кесишувида бартараф этиш хусусидаги масалалар ечимига бағишланган тадқиқотлар замонавий педагогикада аҳамиятли эканлигини тушиниш қийин эмас. Айнан шу мақсадда Чирчиқ давлат университетида “Педагогик таълим инновацион кластери” мавзусидаги устувор илмий йўналиш доирасида **“Ўқув муҳити рентабеллигини ошириш ва баҳолашнинг инновацион-педагогик инструментлари”** мавзусида тадқиқот олиб борилмоқда. **Ўқув муҳитининг самарадорлигини баҳолашнинг янги тушунчаси сифатида рентабеллик иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, бизнес соҳаларига нисбатан инсон омили устуворлигига асосланади.**

Рентабеллик (немисчадан “rentabel” -даромадли, фойдали)-корхона ёки тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги, микроиқтисодиётда иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган тушунча сифатида истеъмолда фойдаланилади. Яъни рентабеллик корхона ёки тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичдир. Рентабеллик бирор ҳаракатдан фойда олиб ишлашнинг киёсий, яъни сарф-харажатларга нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи бўлиб, рақамли натижалар билан ифодаланади. Одатда бажарилган иш ҳаракатлари, кетган энергия қуввати натижалар қўлга киритилган пайтгача кетган вақт сарфи киёсланган ҳолда самарадорлик баҳоланади.

Таълим жараёнида бу тушунчани қўллашга эҳтиёж, асосан, таълим муассасаси жозибadorлигини ошириш учун қандай параметрлар бўйича иш ташкил этиш керак?- деган саволнинг ечимини топиш жараёнида юзага келди.

Мазкур тушунчанинг иқтисодиёт соҳасидаги аҳамияти аниқлангандан сўнг, таълим хизматларини кластеризациясида ҳам тўлақонли ва ҳақли ўринни эгаллаши лозим бўлган категория даражасида жорийланиши мумкин деган хулосага келинди. Рентабеллик энг

аввало, сифатли кадр орқали амалга ошади. Таълимнинг аниқ талабларига жавоб берувчи ўқув жараёнини ташкилий-методик таъминлашни моделлаштириш бўйича амалий механизмларни топиш ва жорий этишга қаратилади.





Ўқув машғулоти шакллари. Бунда дарс, амалий машғулот, семинар, лаборатория машғулоти назарда тутилади, чунки уларнинг ҳар бири учун иш турлари махсус танланади. Иш турлари таълим олувчилар фаолиятини ташкил этишнинг оптимал йўлларида иборат бўлади. Аксинча бўлса, бу таълим шакли қўлланилган жараён ўзининг самарадорлигига эга бўлмаган “**вақт ўғрилайдиган**” бўшлиққа айланади. Шунинг учун таълим шакли ҳамда унга мос иш турларининг қўлланилиши рентабелликни ўлчашнинг муҳим параметридир. Яъни жараёнда умумий иштирокчиларнинг қанча қисми фаол ва қанчаси нофаол тарзда иштирок этиши таъминланиши баҳоланади. Натижада КАМТ таркибига профессионаллар тажриба бағажига қўшилаётган яна янги бир элемент қўшилишига эришилади.

1. **Ўқув топшириқлари кўлами, порцияси.** Бунда КАМТнинг самарадорлигини баҳолаш учун тақдим этилаётган академик топшириқлар мазмунан чуқурлиги, визуаллиги, натижаларининг ўлчамлилиги таҳлил объекти бўлади. Рентабеллик жиҳатдан ижобий натижадор ўқув жараёнининг моддиятли кўрсаткичлари сифатида фанга оид ва таянч компетенциялар, ижтимоий кўникмалар, ҳаётий малакалар тан олинади.

КАМТ технологик жиҳатдан ҳам қолипанишга мосдир. Унинг ҳар бир элементини дастурли блокларга жойлаш ҳамда натижаларни шартли равишда балли баҳолаш ячейкаларига жойланса, бу жараёнда таълим олувчи ўзининг ҳаракатларини назорат қилган ҳолда тегишли коррективкаларни киритиб борса, мониторинг жараёнида инсон омилини камайтиришга ҳам эришилади.

КАМТ нинг муҳим компоненти бу ўқув рецепторларидир.

Ўқув рецепторлари айнан таълим олувчининг ўзлаштириш услуби-йўлига мос академик диверсификациялардир. Яъни таълим олувчиларнинг ўзлаштириш йўллари-услублари одатда, қуйидагича турланади:

	Визуалистлар- визуал идрокка таянадиган одам. Атрофимиздаги дунё ҳақидаги асосий маълумотлар кўриш орқали тезроқ қабул қилиниши ҳисобга олинса, аксарият одамлар ушбу психотипга тегишли деб тахмин қилиш мутлақо мантиқий.
	Аудиалистлар- ахборотни эшитиб идрок эта олади, қайта ишлайди, фойдаланади.
	Кинестетиклар- ахборотни кўриш, эшитиш ва ўйлашдан ҳам кўпроқ, танаси билан сезган ҳолда, яъни ушлаб, хидлаб, пайпаслаб қабул қилишга мослашган одамдир. У албатта маълум ҳаракатлар- тажрибалар, қўл билан бажариладиган ишлар орқали ахборотни ўзлаштиради.
	Дискретлар – мантиқий таҳлил орқали дунёни билладиган шахслардир. Улар ҳам бошқа одамлар каби кўради, эшитади, ҳис қилади, бироқ маълумотни англаб етмагунча ва уни ўз тажрибаси билан таққосламагунча унга аҳамият бермайди.

Юқорида ахборотни қабул қилишнинг ҳар бир одамга алоҳида хос бўлган ҳолда туркумланидиган услублар таълимнинг барча шаклларида инobatга олинишини таъминлаш ҳам педагогик, ҳам ташкилий, ҳам психологик, ҳам методик ва албатта,

гигиеник ёндашувларнинг интеграциясига асосланади. Демак, таълимга мослаштирилган эргономик талаблар айнан таълим олувчининг ахборотни ўзлаштириш услуби ҳамда саломатлик ҳолати билан боғлиқ ҳолда инобатга олинади. Бунда таълим олувчи учун ахборот қайси шаклда, қандай безакларда, қанча хажмда тақдим этилиши таълим берувчи субъектларининг зиммасидаги комплекс вазифаларнинг муҳимлиги намоён бўлади. Яъни ўқув жараёни бир вақтнинг ўзида ҳар турли услубни қанчалик қамраб олаётганлиги алоҳида тадқиққа тортилиши лозим бўлган масала сифатида майдонга чиқди.

Ўз-ўзидан ўқув жараёнига қўйилувчи 6 та муҳим талаб (педагогик, психологик, методик, ташкилий, гигиеник ва эргономик)ларнинг уйғунлашувида ўзаро академик концентрация майдони (импульс) ҳосил бўлади. Мазкур майдонининг дидактик жиҳатдан тўйинтирилиши учун ахборотни ўзлаштириш услубига мос таълим рецепторлари ишга туширилиши тақозо этилади. Умуман олганда таълим тизимида замонавий ёндашувлар хусусан, таълим кластери шароитида таълимнинг аралаш шакли муҳитининг жорий этилишидан самаралинатижалар кутилмоқда, таъбир жоиз бўлса, келажак таълим шакли сифатида прогноз қилинмоқда. Аралаш таълимнинг педагогик-психологик асосларини илмий таҳлилга тортилиши зарур бўлган муаммо сифатида баҳолаш мумкин. Бу борада бугунги кундаги Чирчиқ давлат педагогика университети Педагогика факультети Махсус педагогика йўналишида илмий ва услубий жиҳатлари ўрганилаётган мазкур амалиёт таълим кластерининг адаптив методик тизими, таълим рецепторларининг яратилиши ҳамда аралаш таълим учун “Очиқ таълим контенти” нинг академик дизайни моделлаштирилишига асос бўлади.

REFERENCES

1. Қодирова, Ф. У., & Кенжаев, Н. У. (2020). Инклюзив таълим шароитида қар ва заиф эшитувчи болаларнинг ўқишига таъсир этувчи омиллар. *academic research in educational sciences*, (3), 904-910.
2. Қодирова ф.у. (2020). “Рақамли педагогика”–истикбол бугундан бошланади: имкониятлар, стереотиплар, келгуси режалар. *современное образование (узбекистан)*, (8 (93)), 4-9.
3. Feruzakhon, Q., Khusnora, Y., & Dinara, A. (2022, April). PECULIARITIES OF THE PSYCHE OF DEAF AND HARD OF HEARING CHILDREN. In Next Scientists Conferences (pp. 24-27).
4. Мухамедов Г.И., У.Н.Хужамкулов. “Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф”. Науч. пос. Чирчик-2019.
5. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils’ Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(02), 1337-1346.
6. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayevo Nortojo Jumayevich, and Kodirov Ikrom Davronovich, “PROBLEMS OF FORMATION OF LEARNING MOTIVES IN PUPILS”, *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. 8, p. 6, Nov. 2020.
7. F.U Kodirova, SZ kizi Matupaeva, FR Teshaboeva [Methodical cluster-an innovative mechanism to increase the efficiency of general secondary and inclusive education.](http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2020/08/)
8. F.U Kodirova . Modern Approaches to Preparing Disabled Children for Social Life in Uzbekistan.// <http://ijpsat.es/index.php/ijpsat/article/view/933>